

## ТИББИЁТ ТЕРМИН-МЕТАФОРАЛАРИ КОГНИТИВ ҲОДИСА СИФАТИДА

*Abdulxairova Firuza Invarovna*

*filologiya fanlari bo'yicha PhD, dotsent*

*Andijon davlat tibbiyot instituti*

*Email: feruza\_3018@mail.ru*

*ORCID ID: 0000-0002-3777-3707*

**АННОТАЦИЯ:** Ушбу мақолада тиббий метафоранинг когнитив жиҳатлари чуқур ва ҳар томонлама таҳлил қилинган. Шунингдек, тиббиёт терминологияси ва метафораларнинг алоҳида мустақил фанлар сифатида келиб чиқиши ва ривожланиши тарихи ҳақида маълумотлар мавжуд. Ишнинг асосий мақсади тиббий атамаларни номинация назарияси нуқтаи назаридан, когнитив хусусиятларини тавсифлаш орқали метафорик моделлаштиришнинг ўзига хос хусусиятларини ҳар томонлама ўрганишdir.

**Калит сўзлар:** тиббий термин-метафора, когнитив хусусиятлар, метафорик моделлаштириш.

**АННОТАЦИЯ:** Данная статья содержит информацию об когнитивных аспектах медицинской метафоры. Так же глубоко и всесторонне проанализированы истории зарождения и развития медицинской терминологии и метафоры как отдельных самостоятельных наук. Основной **целью** работы является всестороннее изучение специфики метафорического моделирования медицинских терминов, описанием с позиций теории когнитивных особенностей.

**Ключевые слова:** медицинский термин-метафора, когнитивные свойства, метафорическое моделирование.

**ANNOTATION:** This article contains information about the history of the appearance and development of medical terminology and metaphor as independent sciences. Also, special attention is paid to the cognitive aspects of the medical metaphor have been deeply and comprehensively analyzed. The main purpose of the work is a comprehensive study of the specifics of metaphorical modeling of medical terms, description from the standpoint of the theory of cognitive feature.

**Key words:** medical term-metaphor, cognitive features, metaforic modelling.

## КИРИШ.

XXI аср тилшуносларнинг анъанавий тилшуносликка муносабатини бутунлай ўзгартириди. Тил ўрганишда антропоцентризм биринчи ўринга чиқди. Тил қоидалари ва ҳодисаларини тасвирлашда толиқкан тилшунослик тил ва уни инсон ва дунё билан ўзаро алоқа қилиш фаолиятини ўргана бошлади. Когнитив тилшуносликнинг туғилиши олимларни когнитив жараёнларнинг бевосита тилга таъсирини ўрганишга жалб қилди. Дунё ҳодисаларини тил ҳодисаларига ва аксинча тил ҳодисаларини дунё ҳодисаларига ўтиш йўллари ва омилларини ўрганишга киришилди. Бундан тиббий терминлар ҳам мустасно эмас. Шу кунгача тиббиёт терминларини тўплаш, лугатлар яратиш, илмий аспектда ҳам факат лексик-грамматик жиҳатларини очиб беришга асосий эътибор қаратилган бўлса, бугун қараш ўзгарди: дунёнинг лисоний манзарасида тиббиёт терминларининг тутган ўрнини аниқлашга қаратилган тадқиқотлар юзага кела бошлади.

Бизнинг тадқиқотимиз ҳам айнан мана шу жиҳати билан эътиборга молик ва долзарб саналади. Зеро, “Тил бўйича маҳсус танланган ва таҳлил қилинган маълумотлар инсон ақли ва ақлнинг табиати ва унинг хатти-харакати билан боғлиқ муаммоларни янада кенгроқ таъкидлаш учун ишлатилиши мумкин ва ундан фойдаланиш керак. Бу унинг атрофидаги дунё ва бошқа одамлар билан инсон ҳамкорлигининг барча жараёнларида намоён бўлади”<sup>1</sup>.

Шундай қилиб, тилни ўрганиш соф семантик маънодан ташқарига чиқди. М. В. Пименова, М. Блэк сўзларини талқин қилиб, шундай деб ёзган: “Сўз ва концепт ўртасидаги муносабатни айсбергнинг кўринадиган ва кўринмас қисмига ўхшатиш мумкин. Лексик маъно компонентлари муҳим тушунчавий хусусиятларни ифода этади, лекин тўлиқ эмас. Тушунча сўзнинг лексик маъносидан кўра ҳажмийроқдир. Тушунчанинг тузилиши сўзнинг луғавий маъносига караганда анча мураккаб ва кўп қирралидир”<sup>2</sup>.

## МАТЕРИАЛЛАР ВА УСЛУБЛАР

Илмий изланиш давомида тиббиётга оид дарсликлар ва журналлардан, шунингдек тиббиёт луғатларидан материаллар йифилди. Яъни тиббий термин-метафоралар ажратиб олинди ва таҳлилга тортилди. Бунда ёппасига саралаш, анализик тахлил, статистика ва бошқа услублардан фойдаланилди.

## НАТИЖАЛАР ВА МУҲОКАМАЛАР:

Тиббиёт лексикадаги концептуал метафорани ўрганишдан олдин биз ишимизга асос қилиб олинган концепт атамасининг таснифини аниқлаштирумочимиз. Шундай қилиб, тилшунос-когнитивистлар томонидан берилган когнитив тилшунослик ва концептнинг таснифларини жамлаб илмий концептни олимнинг ҳаётий тажрибаси, ўз фаолиятининг тасавурлари, хиссий-эвристик ва баҳоловчи жараёнлари ҳамда дунёни билиш натижасида шаклланган объектив илмий маълумотларга асосланган концептуал тизимнинг мазмунли бирлиги сифатида талқин этиш мумкин.

Бир қатор қомусий луғатлар, дарсликлар ва тиббий журналларнинг таҳлили илмий-оммабоп тиббий дискурсда концептуал метафора ҳақида гапиришга асос беради. Метафора-терминлар тиббий терминологияда тобора ўз ўрнини топиб бормоқда. Уларнинг кенг тарқалиши мутахассислар ва номутахассислар нутқида тиббий сўзлашувнинг самарали ишлашини таъминлайди. Таъкидлаш жоизки, тиббий метафора тушунчаси остида тиббий дискурсга мансуб лексема (лар) ва содда дискурсга мансуб тил бирлиги (лар) дан иборат бўлган сўз бирликлари назарда тутилади.

Агар тиббий метафора дунёнинг тиббий кўринишини идрок қилишнинг образли моделлаштирилиши бўлса, концептуал тиббий метафора биринчи тасавурлар, ўхшатма, таққослаш, таҳлил ва номинациялар билан бошланувчи метафоранинг пайдо бўлиш жараёнидир. Метафорик кўчириш когнитив жараённинг барча даражаларида: категориялашнинг асосий даражасидан бошлаб илмий гипотеза ва назарияларни шакллантиришгача амалга оширилади, деб айтишимиз мумкин. “Ўхшашлик метафорани когнитив “мазмуни”ни (идрок ва тушунчани) белгилайди, метафора ўзи эса семиотизация ва лексик ифодани ўз ичига олган лингвистик даражада фикрнинг янада аниқ

<sup>1</sup> Кубрякова Е.С. Язык и знание: На пути получения знаний о языке: Части речи с когнитивной точки зрения. Роль языка в познании мира / РАН. Ин-т языкоznания. М.: Языки славянской культуры, 2004. - 34 б.

<sup>2</sup> Пименова М.В. Принципы категоризации и концептуализации мира // Studia Lingüistica Cognitiva. Язык и познание: Методологические проблемы и перспективы. Вып. 1. — М.: Гнозис, 2006. 172-186 б.

**Index:** [google scholar](#), [research gate](#), [research bib](#), [zenodo](#), [open aire](#).

[https://scholar.google.com/scholar?hl=ru&as\\_sdt=0%2C5&q=wosjournals.com&btnG](https://scholar.google.com/scholar?hl=ru&as_sdt=0%2C5&q=wosjournals.com&btnG)

<https://www.researchgate.net/search/publication?q=worldly%20knowledge>

<https://journalseeker.researchbib.com/view/issn/3060-4923>

ифодасидир<sup>3</sup>”. Демак, инсон ўз миясида юзага келган, англанилган ва таҳлил қилинган хар қандай воқеа ёки ҳодисани тил белгиси шаклида объективлаштиради, яъни янги тушунчани ўзига олдиндан маълум бўлган тушунчага мослаштиради. “Тил онг меҳанизмини элементар тафаккур категориялари билан таъминлайди, бусиз алоҳида жумлаларни тушуниш жараёни мумкин эмас, ҳатто фикрни шакллантириш жараёни ва бинобарин, билимларни янгилаш жараёни ҳам мумкин эмас<sup>4</sup>”.

Тиббий метафоранинг когнитив ҳодиса сифатида ўзига ҳос хусусиятлари назариясини ишлаб чиқиши мухим, чунки тилшунослик, фалсафа, психология, неврология фанлари доирасида тўпланган билимларни интеграция қилиш керак, бу эса тиббиётда метафора фаолиятининг ҳозирги муаммоларини ва тиббий сўз бирикмаларини турли хил нутқларда қўллаш муаммоларини ёритишга ёрдам беради. Бизнинг тадқиқотимизда тиббий метафора тиббиёт олимлари (муаллиф-ижодкорлар) томонидан тиббий ҳодисаларнинг ҳиссий ва баҳоловчи муносабатини ифодалаш воситаси сифатида ва бу метафораларни номутахассислар томонидан қабул қилиниши когнитив феномен сифатида кўрилмоқда. Когнитив фанларнинг маълумотлари концептуализация ва метафоризация жараёнлари ўртасидаги фундаментал алоқанинг мавжудлигини тасдиқлашга имкон беради: фикр соҳасига тегишли бўлган ва метафорик тушунча сифатида когнитив тузилмаларга жойлаштирилган метафора, мантиқий-дискурсив фикрлаш фаолият кўрсатадиган катта мавхум ва назарий тушунчаларнинг мухим асосини ташкил этади<sup>5</sup>.

Лакофф ва Джонсоннинг когнитив метафорага асос солган «Биз билан яшаётган метафоралар» деб номланган асари пайдо бўлгандан кейин бу усулнинг бутунлай янги қирралари очиб берилди ва у тилшунослар олдига янги мақсад ва вазифаларни қўйди. Концептуал метафора назариясининг фаол ривожланиши 1987 йилда ушбу фундаментал асар таржимасидан кейин собиқ иттифоқ тилшунослари орасида ҳам бошланди. Дж. Лакофф ва М. Джонсоннинг коцепциясига кўра “...Ҳаётнинг барча соҳаларида биз воқеиликни метафора тилида аниқлаймиз ва кейин биз уларга мувофиқ ҳаракат қила бошлаймиз. Биз натижаларни чиқарамиз, мақсадларни аниқлаймиз, мажбуриятларни зиммамизга оламиз ва режаларни амалга оширамиз – биз буларнинг барчасини қисман таркиблашган тажриба асосида онгли ёки онгсиз метафора ёрдамида амалга оширамиз”<sup>6</sup>. Бугунги кунда кўплаб тилшунослар нафақат мажозий, балки реал концептуал метафорани ҳам ўрганишга мурожаат қилмоқдалар.

Юқорида таъкидланганидек, метафоризация жараёни тиббий лексикада ҳам ҳали у илмий бўлмаган, шаклланиш асосларини эндиғина бошлаган даврдаёқ унга ҳамроҳлик қилган. “Билишнинг умумлашган тажрибаси инсоннинг концептуал тизимида асосий сиймо-схемалар (imageschémas) қўринишида намоён бўлади. Бундай тузилган танавий тажриба кўйидаги сиймо-схемаларни ўз ичига олади: контейнер, куч, ҳаракат, симметрия ва мувозанат”<sup>7</sup>. Ковексеснинг таянч образ-схемаси инсон табиатига ҳос бўлган юриш, югуриш, эгилиш, бурилиш, оғирликларни кўтариш ва жилдириш, мувозанатни сақлаш каби абстракт схемалардан иборат. Бошқа жисмоний ва жисмоний бўлмаган

<sup>3</sup> Jakobson R. Essais de Linguistique générale. Paris: Seuille, 1963. 61-67 р.

<sup>4</sup> Кацнельсон С.Д. Категории языка и мышления: Из научного наследия. М.: Языки славянской культуры, 2001. 183 б.

<sup>5</sup> Зубкова О.С. Особенности использования медицинской метафоры // Материалы Всероссийской научной конференции «Языковая личность как предмет теоретической и прикладной лингвистики». 18-20 марта 2004 г./ Под ред. М.Ф. Чикуровой. - Тула, Изд-во ТулГУ, 2004. - 87 б.

<sup>6</sup> Лакофф Дж., Джонсон М. Метафоры, которыми мы живём / Пер. с англ. Под ред. и с предисл. А.Н. Баранова. М.: Едиториал УРСС, 2004. – 187 б.

<sup>7</sup> Kovecses Z. Metaphor in Culture. Universality and variation. Cambridge: University Press, 2005. - 19 р.

**Index:** [google scholar](#), [research gate](#), [research bib](#), [zenodo](#), [open aire](#).

[https://scholar.google.com/scholar?hl=ru&as\\_sdt=0%2C5&q=wosjournals.com&btnG](https://scholar.google.com/scholar?hl=ru&as_sdt=0%2C5&q=wosjournals.com&btnG)

<https://www.researchgate.net/search/publication?q=worldly%20knowledge>

<https://journalseeker.researchbib.com/view/issn/3060-4923>

малакаларнинг ривожланиши илгари шаклланган кўникма, билим, тажриба ва кўникмалар асосида ривожланадиган концептуал метафоралар билан шаклланади. Уларнинг анатомик тузилиши, табиий кўникмалари ва туфма рефлексларини кузатган инсон лисоний номланиш бирликларини ҳам ривожлантирган. Бу илмий дискурсда метафоранинг пайдо бўлиш ҳодисасини когнитив фаолиятнинг натижаси деб ҳисоблаш мумкинлигини исботлайди. “Метафоранинг концептуаллиги номаълум мавхум тушунчани бошқа, аниқ, идрок қилинувчи, шунинг учун ҳам маълум ва тушунарли бўлганга таркиблаштиришга имкон беради. Метафора ақл-идрокнинг “кўлини” узайтиради, ҳаттоқи “хаёлга келмас”, номини ҳам айтиш қийин бўлган, хаёлнинг чуқур чегараларини кўриш имконини яратади”<sup>8</sup>. Лакоффнинг сўзларига кўра, “Метафоранинг концептуал тизимга кириши унинг лингвистик, ижтимоий-маданий, нейрофизиологик, жисмоний ва шу каби бошқа соҳаларида белгилайди ҳам намоён бўлиши учун асос яратади ва уни парадигматик миқёсидағи ноёб феноменга айлантиради”<sup>9</sup>.

Тиббий метафораларнинг когнитив вазифаларини ҳар томонлама ўрганиш учун биз бир нечта таснифлар бўйича таҳлил ўтказдик. Аввало, вазифавий таснифда текширдик: мақсадга кўра туркумладик. Бажарадиган вазифаларига кўра тиббий метафоралар қуидагиларга бўлинади:

1. Бирор ҳолат ёки касалликка баҳо берувчи тиббий метафоралар: **доминант ўчог, ёмон сифат касб этиши**.
2. Декоратив воқеликни эстетик акс эттириш ва нутқни безатиш учун қўлланган тиббий метафоралар: **“кўз гули”, кўз гавҳари, тишитожи**.
3. Ҳис-хаяжонни ифодаловчи метафоралар: **“қойилмақом бефарқлик”, “ўқимишили телба”**.
4. Касаллик сабабини ёки унга боғлиқ асоратларни кўрсатувчи тиббий метафоралар: **“вабо кўзойнаги”, ёзув спазми**.
5. Қардошлик-урӯғ номлари иштирокида ҳосил қилинган тиббий метафоралар: **организм муртаги, она хужайра**.
6. Топонимик номлар иштирокида ҳосил қилинган тиббий метафоралар: **Америка трипаносомози, Италянча ринопластика, Сатурн ҳалқаси**.
7. Эпонимик тиббий метафоралар: **Евстахиев наи; Вортанов дирилдоги, Мейсснер таначаси, Меркелиев диски**.
8. Шаклни, ташқи кўринишни ифодаловчи тиббий метафоралар: **говак конуссимон даста, аорта ёши, галтаксимон нерв**.

Бу тасниф фақат кўп ишлатиладиган метафораларга нисбатан олинган бўлиб, улардан ташқари, касбий ўзига хослик, ёш хусусиятлари, ранги, таркиби ва бошқаларни акс эттирувчи метафоралар ҳам бор. Бу эса тиббий метафораларнинг когнитивлигини яна бир бор исботлайди. Уларнинг бажарадиган вазифаларига кўра таснифланиши чексиздир.

Агар тиббий метафора-атамаларнинг шаклланиши когнитив ҳодиса бўлса, унда улар қандай механизмлар асосида шаклланади? Когнитив механизмларнинг қуидаги турлари аниқланди:

<sup>8</sup> Ортега-и-Гассет Х. Две великие метафоры / пер. с исп. Н. Д. Арутюновой // Теория метафоры: сб. / Пер. с англ., фр., нем., исп., польск. яз. под ред. Н. Д. Арутюновой, М. А. Журинской; Вступ. ст. и сост. Н. Д. Арутюновой. -М.: Прогресс, 1990. – 68-81 б.

<sup>9</sup> Лакофф Дж. Когнитивная семантика // Язык и интеллект: Сб. / Пер. с англ. и нем. / Сост. и вступит, ст. В.В. Петрова. М.: Прогресс, 1995. - 8 б.

**Index:** [google scholar](#), [research gate](#), [research bib](#), [zenodo](#), [open aire](#).

[https://scholar.google.com/scholar?hl=ru&as\\_sdt=0%2C5&q=wosjournals.com&btnG](https://scholar.google.com/scholar?hl=ru&as_sdt=0%2C5&q=wosjournals.com&btnG)

<https://www.researchgate.net/search/publication?q=worldly%20knowledge>

<https://journalseeker.researchbib.com/view/issn/3060-4923>

1. Таниқли шахслар тимсолини күчириш. Ахборот таниқли адабий, тарихий, афсонавий ёки реал образлар ва қаҳрамонлар орқали талқин қилинади: *Алиса мўжизалар мамлакатида, Ахилл рефлекси, Ван Гог симптоми; Дон Кихот комплекси* каби.

2. Изоҳлаш – тушунтириш орқали асосий хусусият ёки сабаб очиб берилади: *кўйлакли тугрук, қишики қусиши касаллиги* ва ҳ. к.

3. Қиёслаш – таққослаш. Маълум ҳодиса ёки обьект билан таққослаш орқали метафоратаманинг хусусиятларини кашф этиш: *йўлбарс тил, олча данаги симптоми; галвирсисмон пластинка* ва ҳ. к.

4. Ургу бериш орқали: *бешикдаги ўлим, гўдаклар пуфакчаси* ва ҳ. к.

5. Умумлаштириш орқали: *окклизион касалликлар, стандарт одам* ва ҳ. к.

Аниқланган механизмлардан энг кўп тарқалгани қиёслаш – (**таққослаш**) **ва таниқли образларни күчириш (машхур образларни нусхалаш)** ёрдамида яратилган тиббий метафоралар ташкил этади. Тиббий нутқдаги метафоризация жараёни асосан юқорида санаб ўтилган механизмлар ёрдамида амалга оширилади.

### ТАДҚИҚОТДАН ҚУЙИДАГИ ХУЛОСАЛАРНИ ЧИҚАРИШИМИЗ МУМКИН:

1. Бугунги кунга келиб метафорани фақат тилшунослик ёки семантика нуқтаи назаридан ўрганиш тилга бўлган барча талабларга жавоб бермайди. Метафорани ўрганишда айнан когнитив ёндашув, уни ҳали ўрганилмаган жиҳатлари ва томонларидан кўриб чиқиш учун кўмаклашади, психолингвистик ва экстралингвистик омилларни бирлаштириш имконини беради.

2. Тиббий метафора шахс когнитив (билиш) фаолиятидаги ақлий ва ассоциатив-образли натижанинг ёрқин намунасиdir. С. Битокова таъкидлаганидек: “Тилни инсон онгининг когнитив механизмларига киришни таъминлайдиган энг ишончли манба эканлигини ҳисобга олсак, когнитив парадигма фикрлаш ва тил маълумотларининг когнитив тузилмалари ўртасидаги ўзаро боғлиқликларни ўрнатишга қаратилган.”<sup>10</sup> Таҳлилимиз натижасига кўра биз шуни аниқладикки, тиббий лексика: а) мутахассислар ва номутахассислар томонидан энг кенг қўлланиладиганлардан бири; б) атама-метафоралар сони бошқа фанлар терминларига нисбатан кўп; с) тиббий метафора янги билимни объективлаштириш учун барча мавзуй, таркибий, номинатив, тилнинг услубий ва лексик хусусиятларини ўз ичига олади.

3. Тиббий метафора янги, ҳали ошкор этилмаган образда мавжуд тил бирликларининг ошкор этилиши учун иккиламчи ном бериш имкониятини илгари сурувчи когнитив механизми натижасида сўзсиз қабул қилиниши мумкин.

4. Тиббий метафорани концепциялаш жараёнини ўрганиш ҳам бу соҳани таснифлашга ёрдам беради. Тадқиқотимизда биз тоифалашга концепциялаш натижаси деб қарадик.

5. Концептуал метафоралар бизга бир соҳанинг мавхум тушунчаларини бошқаси орқали воқелаштиришга ёрдам беради. Шундай қилиб, бизнинг онгимизда мажозий тушунчаларнинг аниқ концептлари тасвиранади. Мухим қимматли маълумотларни реципиентга (бемор, унинг қариндошлари ва ҳоказоларга) етказишида бу жуда аҳамиятли рол ўйнайди.

6. Тадқиқотимизда тиббий метафораларнинг 8 та асосий вазифаси аниқланди, аммо бу таҳлилни давом эттириш мумкин. Бу тиббий метафоранинг концептуал соҳасининг қўламини кўрсатади.

<sup>10</sup> Битокова С.Х. Метафора в контексте когнитивной лингвистики // Вестник КБИГИ и КБНЦ РАН. Нальчик, 2006. – 146-154 б.

Тиббий метафорани когнитив феномен сифатида ўрганиш тилшуносликнинг мазкур кўп қиррали ҳодисаси ҳақидаги билимларни тушуниш ва чуқурлаштириш имконини беради.

## ФОЙДАЛАНГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ

1. Арутюнова Н.Д. Метафора и дискурс // Теория метафоры. – М.: Прогресс, 1990. – 153 с.
2. Ashurova D. U. Xorijiy filologiya: til, adabiyot, ta’lim. – Т., 2011. №3.Баранов А.Н. О типах совместимости метафорических моделей / А. Баранов // Вопросы языкоznания. – М., 2003, – № 2, – 348 с.
3. Битокова С.Х. Метафора в контексте когнитивной лингвистики // Вестник КБИГИ и КБНЦ РАН. – Нальчик, 2006. – 354 с.
4. Вежбицкая А. Сравнение градация - метафора // Теория метафоры: сб. / Пер. с англ., фр., нем., исп.,польск.яз. под ред. Н. Д. Арутюновой, М. А. Журинской; Вступ. ст. и сост. Н. Д. Арутюновой. -М.:Пргресс, 1990.–352с.
5. Володина М. Н. Информационная природа термина. // Филологические науки. Научные доклады высшей школы. – М.: издательство АЛМАВЕСТ, 1996. – № 1 – 290 с.
6. Гумбольдт Вильгельм фон. Избранные труды по языкоznанию. – М.: Прогресс, 1984. – 400 с.
7. Dadaboyev H. Hozirgi o‘zbek tili qurilishida terminologiyaning o‘rni \ Tilshunoslikning dolzARB masalalari – Toshkent, 2015. – B. 224.
8. Джусупов Н. М. Тюркский символ в художественном тексте (Лингвокогнитивный аспект): Монография — Астана: Издательство «Сарыарка», 2011.
9. Зубкова О. С. Медицинская метафора и медицинская метафора-термин в индивидуальном лексиконе (экспериментальное исследование) [Электронный ресурс] // Знание. Понимание. Умение. – М., 2010. № 1. URL: <http://cyberleninka.ru/article/n/meditsinskaya-metafora-i-meditsinskaya-metafora-termin-v-individualnom-leksikone-eksperimentalnoeissledovanie>
10. Зубкова О. С. Медицинская метафора-термин в профессиональном дискурсе [Электронный ресурс] / О. С. Зубкова. – Режим доступа: <http://tl-ic.kursksu.ru/pdf/005-07.pdf>. – Дата доступа: 19.06.2019.]
11. Ибн Сина (Авиценна). Избранные философские произведения. – М.: Наука, 1980. – 87 с.
12. Кубрякова Е.С. Начальные этапы становления когнитивизма: лингвистика психология - когнитивная наука // Вопросы языкоznания. - М., 1994. - № 4. – 234 с.
13. Лакофф Дж. Когнитивная семантика // Язык и интеллект: Сб. / Пер. с англ. и нем. / Сост. и вступит, ст. В.В. Петрова. – М.: Прогресс, 1995. – 343 с.
14. Лебедева С.В., Зубкова О.С. Медицинская метафора в современном языке: Монография. – Курск: Изд-во КГУ, 2006. – 129 с.
15. Лейчик В. М. Терминоведение: предмет, методы, структура. – М.: КомКнига, 2007. 284 с.
16. Mahkamov N. Terminologiyada «ekonomiya prinsipi» // O‘zbek tili terminologiyasi va uning taraqqiyot perspektivalari: I Respublika terminologiya konferensiyasi materiallari. – Toshkent, 1986.

17. Мукаррамов М. Ўзбек тилида ўхшатиш. – Т.: Фан., - 1976, - Б. 88.
18. Попова Т.Г. Metaphor as a mental and language mechanism // Cross-cultural communication and translation questions// Language, Literature and Culture as Domains of Intercultural Communication. International scientific seminar October 26, 2014. Proceedings of International Seminar. – Prague, Czech Republic, 2015. – Р. 478. (<http://www.famous-scientists.ru/14600>).
19. Расулов А., Каюмов А.П. Абу Али ибн Сино «Тиб қонунлари» 4 том. – Т. “Фан” нашриёти, 1979.
20. Синельников, Ю. Г. / Метафора как средство образования медицинских терминов (на материале французской прессы) / Ю. Г. Синельников, Я. С. Подорванова // Науч. ведомости Белгор. гос. ун-та. –Б., 2014. – Т. 21, №6 (177) – 323 с.
21. Степанов Ю.С. Методы и принципы современной лингвистики. – М.: Наука, 1975. – 311 с.
22. Телия В.Н. Метафоризация и ее роль в создании языковой картины мира Текст. / В.Н. Телия // Роль человеческого фактора в языке: Язык и картина мира. – М.: Наука, 1988. - 140 с.
23. Black M. More about Metaphor // Metaphor and Thought / Ed. by A.Ortony. Second Edition. – Cambridge: Cambridge University Press, 1993. – P. 19-41.
24. Urbana - Chicago: University of Illinois Press, 2003. - p. 232.
25. Cameron L. Identifying and Describing Metaphor in Spoken Discourse Data // Researching and Applying Metaphor / L. Cameron & G. Low (Eds.). -Cambridge: Cambridge University Press, 1999. P. 105-132.
26. Davidson D. What Metaphors Mean // Pragmatics. Edited by Steven Davis. – New York: Oxford Univ. Press, 1991. P. 495-506.
27. Felber H. Terminlogy Manual. Intern. Inf. Center for Terminology. – Paris. 1984. p. 320.
28. Kittay E. F. Metaphor: Its Cognitive Force and its Linguistics Structure. -Oxford: Claredon Press, 1987. – 397 p.
29. Skinner H. The origin of medical terms. – L., 1949.
30. Tercedor Sanchez, M. Urena Gomez Moreno, J. M. & Prieto Velasco, J. A. Grasping metaphoric and metonymic processes in terminology. Journal of Specialized Translation, – S., 2012. – P. 452.

## **ЛУГАТЛАР**

31. Hotamov N., Sarimsoqov B. Adabiyotshunoslik terminlarining ruscha–o‘zbekcha izohli lug‘ati. – Т.: O‘qituvchi, 1983. – 376 b.
32. Арутюнова Н.Д. Метафора // Лингвистический энциклопедический словарь / Под ред. В.Н. Ярцевой. – М.: Советская энциклопедия, 1990.
33. Борисович А.И., Ковешников В.Г., Роменский О.Ю. Словарь терминов и понятий по анатомии человека. – М., 1990.
34. Медицинский справочник. История развития медицины. – М., 2005.
35. To‘raqulov Y. Tibbiy ensiklopedik lug‘at: "Ensiklopediyalar bosh nashriyoti", – Т. 1994
36. Ensiklopedicheskiy slovar meditsinskix terminov: v 3 t. / gl. red. B. V. Petrovskiy. – М.: Sov. ensikl. – Т. 1, 1982.

*Index: google scholar, research gate, research bib, zenodo, open aire.*

[https://scholar.google.com/scholar?hl=ru&as\\_sdt=0%2C5&q=wosjournals.com&btnG](https://scholar.google.com/scholar?hl=ru&as_sdt=0%2C5&q=wosjournals.com&btnG)

<https://www.researchgate.net/search/publication?q=worldly%20knowledge>

<https://journalseeker.researchbib.com/view/issn/3060-4923>

37. Qosimov A. Tibbiyot atamalarining izohli lug‘ati. I, II, III, IV jildlar. – T.: "Abu Ali ibn Sino" nashriyoti, 2003.MacMillan G. Medical Dictioary. – N.Y., – P. 1854.

38. Metaphors dictionary: 6500 Comparative Phrases, Including 800 Shakespearean Metaphors. I. English language Terms and phrases. II. Metaphor-Dictionaries / Elyse Sommer (I.), Dorrie Weiss (II). - Detroit: Visible Ink Press, 2001. - P. 612.